

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5140500 - Кимё
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «17» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5140500 - Кимё бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.2.	5140500 - Кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
2.	5140500 - Кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2.	5140500 - Кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	7
3.	5140500 - Кимё бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.2.	Малака амалиётига қўйиладиган талаблар.....	10
3.3.	5140500 - Кимё бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	11

1. 5140500 - *Кимё* бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5140500 - *Кимё* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5140500 - *Кимё*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5140500 - *Кимё* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5140500 - *Кимё* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5140500 - *Кимё* бакалаврият таълим йўналиши – умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, фан ва ишлаб чиқариш, корхона ва ташкилотлар, давлат бошқаруви органлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш

лабораториялари, ичимлик суви тайёрлаш ва назорат қилиш лабораториялари, санитария эпидемиология станциялари лабораториялари, ФВВ лабораториялари, божхона хизмати лабораториялари, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида мутахассисликка оид комплекс масалаларни ечиш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5140500 - Кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

–мос умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув-тарбия ишлари; таълим жараёни меъёрий ҳужжатлари; илмий тадқиқот ва корхона лабораторияларида тадқиқ қилиш ва таҳлил қилиш; ташкилий фаолият; маънавий-маърифий ва тарғибот ишларини ўз ичига олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5140500 - Кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида кимё ва кимёнинг турли бўлимларига оид фанлардан дарс бериш;

- таълим тизимида ўқув устаси, кабинет мудири, методист, муҳандис, катта лаборант, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

- табиий йўналишдаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

- кимёвий ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, санитария назорати, божхона ва бошқа давлат муассасаларида лаборант, катта лаборант, муҳандис ва масъул ходимлар лавозимларида ишлаш;

- турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;

- янги юқори унумли материал ва технологиялар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқарувчи корхоналарда муҳандис, тадқиқотчи ва технолог бўлиб ишлаш;

- таълим жараёни меъёрий ҳужжатлари, педагогик технологиялар ишлаб чиқариш;

- дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси ва инженерияси соҳасида мутахассис бўлиб ишлаш.

1.2.3. 5140500 - Кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот;

- ташкилий-бошқарув;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси;

- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолият кабиларни ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

Шунингдек, бакалаврлар касбий мослашув имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5140500 - Кимё таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

– 5A140501 – Кимё (фан йўналишлари бўйича);

– 5A140502 – Материаллар ва моддалар кимёси (материаллар бўйича)

– 5A140503 – Нефть ва газ кимёси ва технологияси;

– 5A140504 - Нодир металллар кимёси,

– 5A140505 - Радиокимё,

– 5A320102 - Янги материалларни микроскопик хусусиятларини ҳисоблаш ва компьютерда моделлаштириш

каби магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5140500 - Кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиклол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўдиши

- Маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5140500 - Кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- янги кимёвий бирикмалар синтези технологиясини амалиётга татбиқ этиш, кимёвий бирикмаларни олиш, унинг тузилиши ўрганиш ва таҳлил қилиш, кишлок хўжалиги, саноат, тиббиёт учун янги самарали кимёвий бирикмалар олиш бўйича ташкилий ишларда иштирок этиш;
- илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, кимёвий жараёнларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш, тажриба натижаларини назарий асослаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар қилиш, ;
- республика ва хорижда чоп этиладиган, йўналишга оид илмий манбаларни ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;
- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, тажриба ўтказиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш қобилиятига эга бўлиши;
- ахборот технологиялар тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш қобилиятига эга бўлиши;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш қобилиятига эга бўлиши;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш қобилиятига эга бўлиши;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва уларни эксплуатация қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- кимёвий бирикмалар, кимёвий идишлар, сифат ва миқдор анализлари олиб бориладиган асбоб-ускуна ва жиҳозларга эга бўлган давлат ва нодавлат ташкилоти лабораториялари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларига хос хусусиятларни билиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагогик фаолиятида:

- ўрта ва ЎМКХТ тизимининг мос таълим муассасаларида кимё ва кимёнинг турли бўлимларидаги фанлар бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;
- ўрта ва ЎМКХТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- замонавий инфор­мацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни эксплуатацияси қилиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

3. 5140500 - Кимё бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5140500 - Кимё бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар
умумқасбий;
ихтисослик;
қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар **Гуманитар ва табиий- илмий фанлар блоки:**

Гуманитар фанлар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Табиий-илмий фанлар бўйича:

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, физик, кимёвий тизимлар ва жараёнларнинг тамойиллари ва уларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

-замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

- кимё таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

- математик ва табиий-илмий фанлар билан кимё соҳасидаги бакалаврият таълим йўналишининг фанлари ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

- кимё соҳасидаги бакалаврият таълим йўналишининг ихтисослик фанларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

- кимё таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- модели тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки:

Нооорганик кимё фан унинг ҳозирги замон ҳолати, унинг ривожланиш йўллари, кимёвий элементлар ва улар бирикмаларининг хоссалари, амалиётда назарий кимё қонуниятларини қўллашни билиш ва улардан фойдалана олишни ўргатади,

Аналитик кимё фанининг мақсади талабаларга кимёвий анализнинг назарий асосларини, ва методларини, атроф-муҳитдаги ҳар хил объектларнинг элементар кимёвий тузилишини, сифат ва миқдорий аниқланишни таъминлайдиган методларнинг маълумотларидан фойдаланиб чуқур билим бериш ва уларда мантиқий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Органик кимёси фани, ўзинг вазифалари, тадқиқот усуллари; органик бирикмаларнинг синфлари, уларнинг хоссалари ва синтез усуллари, органик реакцияларнинг турлари, уларни олиб бориш шароитлари механизмлари ва қонуниятларини ўргатади;

Физикавий кимё фани, унинг вазифалари, тадқиқот усуллари; статистик термодинамиканинг физикавий кимёдаги роли; номувозанат жараёнларнинг термодинамикаси; кимёвий мувозанатларни термодинамик тавсифлаш; эритмаларнинг замонавий назариялари; кимёвий кинетика ва катализ назариялари, механизмлари ва қонуниятлари ҳақидаги тасаввурга эга бўлишни таъминлайди;

Физик-кимёвий тадқиқот усуллар ёрдамида органик бирикмаларнинг тузилишини тадқиқ қила олиш, хроматографик усулларни моддаларни ажратиш учун қўллаш, органик жараёнларни бошқариш; кимёвий реакцияларнинг механизмлари ва қонуниятларини билган ҳолда реакциялар тенгламаларини тузиш, натижалар асосида реакция механизмларини тақлиф қилиш кўникмаларига эга бўлишни ўргатади.

Модда тузилиши, квант кимёси ва механикаси каби фанлар талабага кимёнинг назарий муаммолари ҳақида маълумотлар бериш, квант кимёси ва механикаси, моддалар тузилиши, молекулалар тузилишлари ҳақида, кимёвий боғни квант механик нуқтаи назардан асослаш, валент боғлар, молекуляр орбиталлар ва Хюккель усуллари, молекуляр диаграммалар ва молекулаларнинг реакцион қобилияти каби тушунчалардан иборат билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Ихтисослик фанлар блоки:

Юқори молекуляр бирикмалар кимёси фани полимерларнинг қуйи молекуляр бирикмалардан фарқини; полимерларнинг ўзига хос хусусиятларини; талабаларда полимерларнинг синтези, физик кимёвий хоссаларни; полимерлар эритмаларининг хоссаларини таҳлил ва тадқиқ этишни; янги турдаги полимерларнинг яратиш илмий асосларини тузилиш ва хосса муносабати қонуниятлари орқали ўргатиш; янги шаклланаётган ва оммалашаётган фан ва технологияларни тараққий эттиришда юқори молекуляр бирикмалар ўрнини кўрсатишдан иборат.

Биоорганик кимё фанининг назарий асосларини, асосий тушунчаларини, соҳа бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар усулларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Шунингдек ушбу фанлар;

- кимё соҳасидаги бакалаврият таълим йўналиши бўйича касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишини таъминлаши;

- тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

- хизмат кўрсатиш соҳасида талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Кўшимча фанлар блоки

таълим йўналиши талабаларининг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

қасбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, қасбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар, ҳамда аудитория соатларининг машғулот турлари бўйича тақсимооти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. Малака амалиётига қўйиладиган талаблар

Амалиётлар бакалаврият таълим дастурининг мажбурий бўлаги ҳисобланади. У ўқув ва (ёки) ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг қасбий-амалий тайёрлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ўқув-танишув, ишлаб чиқариш билан танишув, илмий-тадқиқот институтлари фаолияти билан танишув, битирув малакавий иши олди ва педагогик амалиётлари ўтишни ўз ичига олади.

Ўқув-танишув амалиётида талабалар факультет фаолияти, кимёгар олимлар, лабораториялар фаолияти, илмий-тадқиқот ишлари билан яқиндан танишадилар. Амалиёт давомида талабаларда тажрибалар бажариш усуллари каби билимларини бойитиб кимё соҳасида илмий-тадқиқот ишларига қизиқишлари ортади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-рахбарларига ҳисобот беришади. Амалиёт бўйича ҳисобот тайёрлаш бўйича амалий кўникмаларни эгаллайдилар. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Илмий-тадқиқот институтлари фаолияти билан танишув амалиётида талабалар илмий-тадқиқот институтларида олиб борилаётган илмий ишлар билан танишиб илмий ишлар бажариш, илмий адабиётлар билан ишлаш ва улардан фодаланиш кўникмаларига эга бўладилар. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-рахбарларига ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Ишлаб чиқариш билан танишув амалиётида талабалар кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолиятини ўрганадилар. Танишув натижасида талабалар корхона структураси, ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот олиш технологиялари билан

танишиб керакли кўникмаларга эга бўладилар. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарларига ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Битирув малакавий иши олди амалиётида битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; битирув малакавий ишлари мазулари бўйича илмий адабиётлар йиғиш ва уларни таҳлил қилиш, илмий раҳбарлар назоратида мавзуга доир кимёнинг тажриба усуллар билан танишиш, педагогик технологияларни эгаллаш каби амалий кўникмаларни эгаллашга мўлжалланган.

Педагогик амалиётда талабалар касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда олиб бориладиган фаолият билан танишиш натижасида талабалар тажрибали ўқитувчилардан кимёни ўқитишда ҳозирги замон техник воситаларидан фойдаланишни ўрганадилар ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш кўникмасига эга бўладилар. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарларига ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

3.3. 5140500 - Кимё бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 28 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	56%;
аттестация -	11 %;
таътил -	18 %;
малака амалиёти -	12%;
яқуний давлат аттестацияси -	3%.

Назарий таълим ҳажми “Кимё” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар	23 %;
умумкасбий фанлар	50 %;
ихтисослик фанлар	21 %;
кўшимча фанлар	6 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий таълим дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, кимё, даврий система, элемент, атом, молекула, физикавий кимё, органик кимё, изомерия, юқори молекуляр бирикма, сополимер, мономер, инициатор, ингибитор, аминокислоталар; пептидлар; оксиллар; биосинтез; углеводлар, энтропия, реакция тезлиги, термодинамика, кинетика, стереокимё, оптик фаоллик, тузилиш назарияси, реакция механизми, реагент, кислота, асос, амфотер, УБ, ИҚ, ЯМР-спектроскопиялари, тузилиш, координацион бирикма, нанодисперс система, нанотрубка, нанокластер, реактор, нанокомпозит материаллар, рацимат, энантиомер, кимёвий боғ, водород боғланиш, стантдарт эритма, нефть ва газ, технология.

5140500 – кимё йўналиши бўйича
таълим дастурининг тузилиши

Илова

Т/р	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1412
1.01	Диншунослик	78
1.02	Фуқаролик жамяти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Ўзбек (рус) тили	64
1.05	Хорижий тил	150
1.06	Жисмоний маданият*	292
1.07	Олий математика	128
1.08	Физика	264
2.00	Умумқасбий фанлар	3097
2.01	Ноорганик кимё	530
2.02	Аналитик кимё	530
2.03	Органик кимё	530
2.04	Физикавий кимё	530
2.05	Коллоид кимё	167
2.06	Модда тузилиши	134
2.07	Кимё ўқитиш методикаси	118
2.08	Кимё тарихи	64
2.09	Квант кимёси ва квант механикаси	68
2.10	Умумий психология ва педагогика	240
	<i>Танлов фанлари</i>	186
3.00	Ихтисослик фанлари	1306
3.01	Нефть ва газ кимёси	118
3.02	Юкори молекуляр бирикмалар кимёси	252
3.03	Биоорганик кимё	134
3.04	Кимёвий технология	236
3.05	Физик тадқиқот усуллари	158
	<i>Танлов фанлари</i>	408
4.00	Қўшимча фанлар	395
4.01	Ёш физиологияси ва гигиена	60
	Жами	6210
	Малакавий ва педагогик амалиётлар	1242
	Яқуний давлат аттестацияси	324
	Аттестациялар	1188
	Жами	2754
	ҲАММАСИ	8964

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

ректор [Signature] А.Марахимов

2018 йил « 04 » 08

ЎзР ФА умумий ва ноорганик кимё институти

директор [Signature] Б.С.Зокиров

2018 йил « 04 » 08



М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни
таътиқ этиш маркази

директор [Signature] З.Хақимов

2018 йил « 15 » 08

М.Ў.

ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси
институти
директор [Signature] Ш.Ш. Сағдуллаев

2018 йил « 15 » 08

М.Ў.

Тошкент кимё-технология институти
ректор [Signature] Ш.Муталов

2018 йил « 15 » 08



М.Ў.

ЎзР ФА Биоорганик кимё институти
директор [Signature] Ш. Салихов

2018 йил « 15 » 08

М.Ў.



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари, ўқув режаларини ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилар ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“15” 08 2019 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Р.Марахимов, ТКТИ ректори Ш.А.Муталов, ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти директори Б.С.Зокиров, ЎЗР ФА Ўсимлик моддалар кимёси институти директори Ш.Ш.Сагдуллаев, ЎЗР ФА Биорганик кимёси институти директори Ш.И.Салихов, ЎЗМУ профессор-ўқтувчилари билан биргаликда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатор”га мувофиқ Кимё таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқиладиган малака талабларини муҳокама қилиб, унинг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

Таълим йўналишлари:

5140500-Кимё

